Одним из проявлений внутримолекулярной квантовой интерференции является смещение положения частоты «отсечки» высокоэнергетического плато при изменении межъядерного расстояния R_0 (см. рис.1).

Другой замечательной особенностью, проявляющейся в молекулярных спектрах ГВГ на рис.1, является явно выраженный локальный минимум в пределах высокочастотного плато, расположенный при $N=55$ для $R_0=4$ ат. ед., $N=53$ для $R_0=15$ ат. ед. и $N=49$ для $R_0=30$ ат. ед. Его происхождение есть следствие деструктивной квантовой интерференции амплитуд испускания высокоэнергетических фотоэлектронов от разделенных атомных центров

в промежуточные состояния континуума для орбиталей со связывающей симметрией. Так как процесс ГВГ является сопутствующим процессу НПИ, это будет проявляться в спектрах гармоник.




Рис.1. Дифференциальные скорости $w_N^{(I,Bl)}(k') \sim |F_{i \rightarrow j}(\Omega)|^2$ испускания

гармоник в молекулах H_2^+ , выровненных вдоль поляризации лазерного поля в зависимости от порядка гармоник N . Вычисления проводились при различных значениях R_0 , с длиной волны $\lambda=800$ нм и интенсивности $I = 5 \times 10^{14}$ Вт/см². Так как энергия связи I_p электрона в молекуле зависит от межъядерного расстояния, то также различна.

Кроме того, представленные на рис.1 спектры демонстрируют значительное увеличение (на несколько порядков) скорости испускания гармоник (эффективности конверсии) при увеличении межъядерного расстояния. Этот вывод согласуется с работами [3,4], где подобное увеличение было связано с уменьшением потенциала ионизации

за счет увеличения. А именно, квантовые системы, подверженные действию лазерного поля и имеющие меньшие потенциалы ионизации, обычно более поляризуемы, так что их отклик на внешнее лазерное поле оказывается значительно более сильным, чем для квантовых систем с большими. Последние эксперименты [5] и численные расчеты [4] также подтверждают кратковременные увеличения эффективности генерации высших гармоник в расширяющихся молекулах.

Полученные результаты дают основания для однозначного утверждения о существовании явления внутримолекулярной квантовой интерференции в процессе ГВГ и возможности проводить когерентный контроль данного процесса путем изменения характеристик молекул: межъядерного расстояния, ориентации молекулярной оси.

Литература

1. Reiss H.R. Prog. Quantum Electron. 16, 1 (1992); Phys. Rev. A 42, 1476 (1990).

2. Keldysh L.V. Zh. Exp. Teor. Fiz. 47, 1945 (1964) [Sov. Phys. JETP 20, 1307 (1965)].

3. Telnov D.A., Chu Shih-I. An initio study of high-order harmonic generation of in intense laser fields: Time-dependent non-Hermitian Floquet approach // Phys. Rev. A. – 2005. – V.71. – P.013408.

4. Shan B., Tong X. M., Zhao Z., Chang Z., Lin C. D. High-order harmonic cutoff extension of the O_2 molecule due to ionization suppression // Phys. Rev. A. – 2002. – V.66. – P.061401.

5. Pfeifer T., Walter D., Gerber G. Transient enhancement of high-order harmonic generation in expanding molecules // Phys. Rev. A. – 2004. – V.70. – P.013805.

ТЎҚУВ УСУЛИДА БЕЗАК БЕРИШ АСОСИДА ГАЗЛАМАЛАР АССОРТИМЕНТИНИ КЕНГАЙТИРИШ



У.Б. РАЖАПОВА

(стажер тадқиқотчи-изланувчи)

Илмий раҳбар:

т.ф.д., проф. С.Ш. Тошпўлатов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат
институту

Бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бу республикада маҳаллий хом ашёлардан жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган сифатли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида республикада замонавий илгор технологиялар асосида табиий толаларимиздан сифатли иплар ишлаб чиқарилмоқда ва турли давлатларга экспорт қилинмоқда. Лекин тайёр маҳсулот, яъни тўқима мато ишлаб чиқариш ҳажми кам.

Муҳтарам Президентимизнинг бир қанча қарорларида ҳар хил турдаги сифатли матолар ишлаб чиқаришга алоҳида урғу берилган. Мустақиллик йилларида республикада замонавий коммуникацион ахборот технологиялар билан жиҳозланган

*Вақт пиллапояси
чексиздир, бир-бирининг
ўрнини эгаллаб
борадиган авлодлар
зинадан зинагагина
кўтариладилар, холос.
Жамланган тажрибани
ҳар бир авлод ўзидан
кейин келаётган, ўзидан
кейин уни тараққий
эттирадиган ва
бойитадиган навбатдаги
авлодга етказиб беради.*

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

кўплаб тўқув дастгоҳлари келтирилди. Бизнинг вазифамиз шу имкониятлардан фойдаланиб харидоргир матоларнинг янги ассортименти яратиш ва ишлаб чиқаришдир.

Мустақиллик йилларидан олдин ҳам республикамизда тўқима матолар катта ҳажмда ишлаб чиқарилган. Лекин уларнинг ассортименти, хилма-хиллиги чегараланган эди. Айниқса, аралаш газламалар ассортименти бир нечтагина турни ташкил этган.

Шу мақсадда биз газламаларнинг янги ассортименти яратиш устида илмий иш олиб бормоқдамиз. Тадқиқот ишимиз асосан 2 та ғоядан иборат бўлиб, биринчидан, ҳажмкор мураккаб ўрилиш асосида 1,5–2 қатламли тўқималар таркибини яратиш, уларнинг юза (юқори) қатламида қимматбаҳо ипак ипларини, пастки қатламида эса нисбатан арзон пахта ипларини ишлатиш ва шу орқали матонинг таннархини камайтириш, гигиеник хусусиятларини яхшилаш масалалари қўйилган. Ипакка нисбатан пахтанинг сорбция хусусияти яхшилиги ҳамда фақат хом ипак ипидан тўқилган матодан ҳавонинг ёмон ўтиши туфайли янги матомизнинг пастки қатламига пахта ипини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқотимизнинг 2-ғояси янги кўринишдаги Пике газламасини олиш.

Пике матоси — сийрак бўртиб чиққан геометрик нақшли ёки 2 та арқоқли кўндаланг рельефли бўртма пахта толали газлама [1]. Бу нақш одатда майда ва мураккаб (ромбсимон, квадратик, мумкатак) бўлади, унда амалий йўл-йўл нақшлар учрамайди. Пике газламасининг ҳар хиллигига сабаб унинг бўртма нақшлилиги. Газлама мустаҳкам, кам гижимланувчи, кир ювиш машинасида ювишга ҳам чидамли ҳисобланади. Газламани ювгандан кейин крахмаллаш талаб қилинади. Пике газламаси асосан оқартирилган ёки рангли ва гул босилган ҳолда сотилади. Пахта толали Пике газламаларидан ёзги кўйлақлар, костюмлар, ёзги бош кийимлар (шляпалар), болалар кийимлари ва чойшаблар тикилади. Пике газламаси кийим ёқаларига безак бериш учун ҳам ишлатилади. Сунъий ипак толали Пике газлама-

сининг чап тарафи йўл-йўл бўртма нақшли қилиб ишлаб чиқарилади. Бу фақат кўйлаклик газламалар учун ишлатилади. 1920-йиллари теннис ишқибози Рене Лакост даврида француз трикотаж Пике газламаси жаҳонга машҳур бўлган.

Болалар Пике газламаси пахта толали газлама бўлиб, тескари тарафида енгил тук чиқарилган. Бу газлама фақат болалар кийимлари ва чойшабларини тикишга ишлатилади. Пике-бумазея газламасининг тескари тарафида қалин тук шакллантирилган.


Пахта толаларидан йигириб олинган иплардан ишлаб чиқариладиган Пике газламалари пластик сиртга эга бўлиб, енгил, кам ғижимланувчан, юқори мустаҳкамликка эга мато ҳисобланади. Айниқса, бу матоларнинг афзаллиги гигиеник хоссалари юқори бўлиши билан боғлиқ. Жумладан, унинг сиртида шаклланган дўнгликлар ва ўйиқлар ҳисобига гигроскопик хусусияти жуда юқори. Шу билан бирга бу матонинг суюқлик ўтказувчанлик қобилияти ҳам юқори. Ўтказилган тадқиқотларга кўра [2], Пике матоси массаси (сарф бўлган хом ашё) бир хил бўлган бошқа таркибли тўқималардан сув шимувчанлиги 3 марта юқори. Шунингдек, бу мато инсон терисида оғриқ пайдо қилувчи бактерияларни ўзига қабул қилиш қобилиятига ҳам эга. Шахсий гигиена сифатида фойдаланилган Пике кийимлари баданни уқалаш (массаж) хусусиятига ҳам эга. Мато сиртининг турли қавариб чиққан ва ўйиқ жойлари инсон терисига (баданига) турлича таъсир этиши натижа-сида қон микроциркуляциясини кучайтиради.

Ҳозирги кунда бир нечта мамлакатда ҳар хил қалинликдаги бўртма нақшли Пике газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Лекин уларнинг илмий асосланган технологик кўрсаткичлари ва тахтлаш омиллари бўйича ахборотлар ўрганилган адабиётларда ўз аксини топмаган. Бизнинг тадқиқот ишимиз қадимдан маълум бўлган мумтоз газламалар: хонатлас, адрас, банорас, беқасам матоларига тўқув усулида безак бериш орқали янги кўринишдаги Пике газламасини ишлаб чиқаришга бағишланган.



Пике 134

1-расм. Пике газламасининг сурати



2-расм. Пике матосини ишлаб чиқариш учун тахтдан дастури
a – туқима урилишининг тасвири; *b* – илларни тиздан ўтказиш тартиби; *c* – танда илларини шодалардан ўтказиш тартиби; *d* – шодалар кўтарилиш тартиби; *e* – оддий Пикенинг танда бўйлаб қирқимлари; *f* – мураккаб Пикенинг танда бўйлаб қирқимлари.

Маълумки, янги дастгоҳларда тўқув усулида безак бе-риш ҳисобига матонинг юзида турли бўртма қавилганси-мон безаклар шакллантириш имконияти мавжуд.

Қирқимдан кўриниб турибдики (2,e-расм), оддий Пикедда барча танда иплари арқоқ иплари билан ўрилишади. Бундан фарқли ўлароқ, мураккаб Пикедда (2,f-расм) қалинлаштирувчи арқоқлар (I,II) қатламлар орасига ташла-ниб, танда иплари билан ўрилмайди. Демак, бошқа тўқима-лардан фарқли равишда, бу тўқимага сарф бўлган иплар миқдорини аниқлашнинг ўзига хослиги мавжуд. Бизнинг назарий тадқиқотлар натижасида мураккаб Пике тўқи-масини ишлаб чиқаришда арқоқ ипларининг сарф бўлиш миқдорини аниқлаш учун қуйидаги формула ишлаб чиқилди:

$$M_{m2} = \frac{P_1 \cdot 10 \cdot T_1}{10^3 \cdot \left(1 - \frac{a^4}{100}\right)} + \frac{P_2 \cdot 10 \cdot T_2}{10^3} \quad (\text{г/м}^2),$$

бу ерда: M_{m2} — 1 м² матодаги арқоқ ипининг массаси, г/м²;

P_1 — асосий арқоқ ипи бўйича тўқима зичлиги;

T_1 — асосий арқоқ ипининг чизиқли зичлиги, текс;

a^4 — асосий арқоқ ипининг тўқувчиликда қисқариши;

P_2 — қалинлаштирувчи арқоқ бўйича тўқима зичлиги;

T_2 — қалинлаштирувчи арқоқ ипининг чизиқли зичлиги, текс.

Янги қимматбаҳо тўқув дастгоҳларининг самарадорлиги ишлаб чиқариладиган маҳсулот хилма-хиллиги билан бирга уларнинг фойдали вақт коэффициентига ҳам боғлиқ. Бу омил, ўз навбатида, тўқув дастгоҳида ипларнинг узуклар сонини аниқловчи кўрсаткич иптаранглигига боғлиқ. Ай-ниқса, замонавий дастгоҳларнинг юқори тезликларда иш-лаши, эни катталиги натижасида танда иплари сонининг кўплиги таранглик катталигини муқобиллаштиришни та-қозо этади. Дастгоҳни динамик шароитда ишлатиш иплар таранглигини аниқлашда инфрақизил нур ёрдамида ўлчаш

ва ўзгариш қонуниятини ўрганиш мақсадида янги асбоб яратиш бўйича изланишлар олиб бормоқдамиз. Бу асбобнинг илгариги тарангликни назорат қилувчи асбоблардан фарқи аниқлик даражасининг юқорилигида ва компьютерлаштирилишида бўлади. Ҳозирги пайтгача бундай усул республикаimizдаги тўқимачилик тадқиқотларида қўлланилмаган.

Илмий тадқиқот ишимизнинг дастлабки синов намуналари ишлаб чиқарилиб, уларнинг аҳамиятли хоссалари (мустаҳкамлиги, ишқаланишга чидамлилиги, гижимланувчанлиги ва бошқа кўрсаткичлари) аниқланди. Синов ишлари институтимиз қошидаги «CentexUz» лабораториясида замонавий асбобларда ўтказилди. Тадқиқотимиз назарияси экспериментал қийматларни статистик ишлов бериш асосида газлама тузилишини аниқловчи омилларнинг мақбул қийматлари (катталиклари)ни олиш билан боғлиқ.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. 365 б.
2. Алимбаев Э.Ш. Тўқима тузилиши назарияси. –Т.: Алоқачи, 2005.
3. <http://www.textelle.ru/polyfabrics/tricot Pique>.



ХАЗОРАСП ТУМАНИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Н.РАИМБОЕВА, М.УСАРОВА
(талабалар)

Илмий раҳбар:

б.ф.в. Г. Раимбоева

Тошкент аграр университети

Тупроқларнинг эволюцион ривожланиши ва тупроқ қатламининг ўзгаришига кўра Хазорасп тумани тупроқларининг шаклланиши асосан кўп асрлар давомида доимий гидроморф муҳит шароитида бўлган. Тупроқнинг пайдо бўлиш жараёнига қадимдан деҳқончилик юрити-

лиши ҳам таъсир этган. Унгизорти Қорақум ҳудудида жойлашган. Ҳозирги Амударёнинг Қайир текислиги ва Тошсоқа платоси ерларида маданий деҳқончилик кейинги йилларда бошланган бўлиб, тупроқларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни таққослаб, тупроқ қопламининг эволюцияси ва ўзгариб боришини кузатиш имкониятини яратади.

Амударёнинг қадимги ёйилма (дельта) сени эгаллаб турган Хоразм воҳаси Султон Увайс тизмаси, Устюрт, Қорақум чўли улкан чўкма

*Уқувчини меҳнат
қилишга ўргат, уни
нафақат меҳнатни
севишга, у билан шундай
уйғунлашишга
кўниктиргинки, токи
меҳнат унинг вужудига
сингиб кетсин, уни
шунга ўргатки, унинг
учун ўз кучи билан
бирон-бир нарсани билиб
ололмаслик ақлга
сизмайдиған ҳолат
ҳисоблансин.*

ДИСТЕРВЕРГ

устида пайдо бўлган. Бу чўкманинг пайдо бўлишида тектоник жараёнлар иштирок этган. Натижада чўкма туби жуда мураккаб тузилишга эга бўлди. Султон Увайс тизмаси давоми бўлган қатор баландликлар аллювиал қатламларни ёриб ер юзасига чиқиб қолган бўлиб, улар қадимги кристалл жинслардан тузилган.

Чўкманинг асосий туби юқори учламчи жинслардан тузилган ва «Хива қатламлари» номи билан таниш. Хоразм воҳасининг жануби-шарқий бурчагидаги учламчи ётқиизиқлар асосан қумли, мергилсимон лой ва тош қатламли бўш қумлардан ташкил топиб, юқорига яқинлашиб плато (ясси кўтарилган текислик) ни ҳосил қилган Тошсоқа номи билан юритилади. У қумли, кучли оҳаклашган қумоқ ва қумлоқлар билан қопланган. Бўр ётқиизиқлари Амударёнинг ўнг қирғоғи қисмида тепаликлар шаклида Амударё ўзани бўйлаб чўзилган.

Ўрганилаётган ҳудуд куйидаги геоморфологик районларга ажратилган: элливиал ва эол ётқиизиқларидан ташкил топган Тошсоқа платоси ва платосимон Қизилқум ва Унгизорти Қорақум текисликлари райони; Амударё ва Дaudан дарёларининг ўзанлараро (кўл) ётқиизиқлари райони; Дaudаннинг ўзанбўйи ётқиизиқлари райони; Дaudаннинг ўзан ётқиизиқлари райони; Дарёлиқнинг кўл ва ўзанбўйи ётқиизиқлари райони; Дарёлиқнинг ўзан ётқиизиқлари райони; Амударёнинг ўзан ётқиизиқлари райони.

Хазорасп туманининг чекка шарқий ва Питнакнинг анчагина шимоли-ғарбий қисми Тошсоқа платосининг емирилаётган учламчи давр жинслари маҳсулида жойлашган. Бу туманнинг ўнг қирғоғидаги ҳудудларини Қизилқумнинг қирғоқбўйи қисмлари, юқори бўр даврининг тарқоқ маҳсуллари ва қумлар эгаллаган.

Ўрганилаётган ҳудуднинг кўпроқ қисми Амударёнинг қадимги аллювиал, қисман ҳозирги замон ётқиизиқларида ва Унгизорти, Қорақум, Қизилқум ва Тошсоқа платосининг учламчи давр емирилган жинсларидан иборат бўлган ҳудудда жойлашган. Амударёнинг қадимги ёйилма (дельта)

қисми қадимги дарёлар Дарёлиқ ва Даудан ётқизиқларида пайдо бўлган. Тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг учламчи давр сочилган (ўзгарган) жинсларидан пайдо бўлган қадимги қолдиқ тепаликлар ва платолар Тошсоқа платоси ётқизиқларидан иборат Даудан қўли ётқизиқлари ва Питнак воҳаси ўзаро боғланган ҳудудда жойлашган бўлиб, кенг тўлқинли рельефга эга. Барча майдонлари қумлоқ ва оҳаксимон қумоқ ва қумли тупроқлардан иборат, қуйи қатламларида тош-шағалли қатламлар учрайди. Қорақумга яқин жойларида эгри-бугри қум тепаликлар учрайди. Тупроқ пайдо қилувчи жинслари малла-сарғиш рангда, эол ётқизиқлардан иборат.

Сизот сувлари суғориладиган майдонларда 0,5–2,5 метр чуқурликда жойлашган. Ўзан ва қўллар ётқизиқларидан иборат ҳудудда сизот сувлари 1,5–2,0 метрда, жанубда эса 1–1,5 метрда жойлашган. Турли даражада минераллашган каналларга яқин бўлган жойларда сизот сувлари кам минераллашган, баъзи жойларида ўрта ва юқори минераллашган. Шўрланиш типига кўра хлоридли-сульфатли. Қумли ҳудудларда сизот сувлари 5 метрдан чуқурда. Шўрланиш даражаси кучсиз ва ўрта даражада. Тошсоқа платоси сизот сувлари 5 метр чуқурликда жойлашган.

Питнак воҳаси ҳудудида жойлашган Тошсоқа платосида тарқалган сур-қўнғир тусли тупроқларнинг йиллар мобайнида ўзгариш динамикаси, механик таркиби, тош аралашганлик ва шўрланиш даражаси, гумус, азот, фосфор, калий, гипс ва карбонат тузлари миқдори, янгидан ўзлаштирилганда ҳосил бўлган тупроқлардир. Сур-қўнғир тусли тупроқлар Тошсоқа платосида ва унинг қирғоғидаги Қизилқумда учрайди. Улар учламчи давр эллювийларидан ва бўр даври жинсларида шаклланган. Тупроқ қатлами қалинлиги бир неча 10 см дан бир неча метргача бўлади. Ер ости сувлари сатҳи 5 м дан пастда жойлашган. Эллювиал ётқизиқлар юқоридан пастгача дағаллиги билан ифодаланади. Сур-қўнғир тусли тупроқлар қисқа, лекин тўла шаклланган аниқ генетик қатламларга бўлиниши билан ажралиб

туради. Механик таркибига кўра асосан қумлоқ, қумли бўлиб, у ёки бу даражада тош аралашмалари мавжуд. Бу тупроқларда гумус миқдори жуда оз, юқори қатламларда 0,15–0,36 % атрофида, азот 0,02–0,04 % гача учрайди. Гипсининг миқдори юқори ва қуйи қатламларда 27–30 % ни ташкил қилади. Тошсоқа платосининг сур-қўнғир тусли тупроқлари чўл зонасининг автоморф тупроқлари бўлиб, бу тупроқларда сизот сувлари сатҳи чуқур жойлашган. Морфологик белгиларидан бири сур тусли, говак, тақирсимон, қуйи қатламлари қўнғир тусли, зичлашган, гипс қатламлари учрайди, қуйи қатламлари гипсли, сур тусли тупроқлардан иборат. Сур-қўнғир тусли тупроқларнинг механик таркиби қумоқ-қумли, баъзан енгил қумоқ, шағалли. Шағалли қатламли тупроқларда шағал қатлами қалинлиги 0,1–0,3 метрдан баъзан 0,3–0,5 метргача етади (30–50 см). Сур-қўнғир тусли тупроқлар шўрланган, юқори қатламлари кучли ва ўрта даражада шўрланган. Суғориладиган сур-қўнғир тусли тупроқлар бир хил тусдаги ҳайдалма қатламлардан иборат, кам даражада шўрланган.

Шўрхоқлар туманнинг чўкмаларида учрайди, сизот сувлари юқори минераллашган. Шўрхоқларда гумус миқдори 0,06–0,19 % ни ташкил этади, тупроқнинг 10 см қатламида гумус миқдори юқори бўлади. Шўрхоқларнинг механик таркиби енгил қумоқ ва қумоқ, чўкмаларда ўрта ва оғир қумоқли тупроқлар учрайди. Шўрланиш типи бўйича хлоридли-сульфатли ва сульфатли-хлоридли. Шўрхоқларнинг шўрини ювиш, зовурларнинг ишчи ҳолатини яхшилаш керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Хазорасп тумани Ўрта Осиё минтақаси чўл зонаси субтропик иқлимли ҳудудда жойлашган. Хазорасп тумани тупроқлари турли механик таркибга эга бўлиб, турли даражада шўрланган. Гумус ва озуқа элементлари миқдори турлича бўлиб, тупроқларнинг унумдорлиги ҳам турли даражададир.

Туман тупроқларининг унумдорлигини яхшилаш ва ошириш учун ерларни текислаб тупроқнинг шўрини

ювиш, органик ва минерал ўғитлар сепиш, агротехник ва мелиоратив тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, коллектор ва зовур қазиш, уларни тозалаш, шамол эрозиясидан сақлаш учун тадбирлар олиб бориш зарур.

Адабиётлар

1. Мадримов Р., Якубов У. Чўл зонасидаги Тошсоқа платосининг сур-кўнғир тупроқлари // Республика илмий-амалий конф. – Тошкент, 2007.

2. Раимбаева Г., Мадримов Р. Хоразм вилояти Хазорасп туманида тарқалган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати // Республика илмий-амалий конф. – Тошкент, 2007.

3. Мадримов Р.М. Динамика изменения и некоторые особенности серо-бурых почв Ташсакинского плато // Республиканская научно-практическая конференция. – Хива, 2006.

4. Мадримов Р.М., Разаков А.М. Серо-бурые почвы Ташсакинского плато, их оценка и повышение плодородия // Материалы международной конф., посвященной 100-летию У.У.Успанова. – Алматы, 2006.

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КУПАЙТИРИШ МУАММОЛАРИ

А.Р. РАҲМАТУЛЛАЕВ
(3-босқич талабаси)

Илмий раҳбар: Д.Н. Саидова
Тошкент аграр университети



Мамлакатимизда чорвачилик тармоғининг имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, чорвачиликнинг гўшт ва сут маҳсулотлари билан аҳолини таъминлаш даражасини ошириш жиддий вазифалардан ҳисобланади. «Аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Бу республика қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган сиёсатнинг умумий устувор йўналишларидан биридир»¹. Озиқ-овқат истеъмоли бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдириш аҳолининг физиологик меъёр даражасидаги гўшт-сут маҳсулотлари истеъмолини таъминлаш шарт-шароитлари мустақамланишига, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

*Замон талабига мос
мутахассис
тайёрламоқчи эканмиз,
биринчи навбатда ўқув
юртларимизнинг шакли,
қиёфаси ва таркиби,
моддий базаси ҳам
замонавий бўлиши шарт.*

Ислом КАРИМОВ

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб чорвачи-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. 194-б.

лик тармоғида бозор муносабатларини жорий этишга қаратилган кенг қўламдаги иқтисодий ислохотлар амалга оширилиб, ҳозирда улар чуқурлаштириб борилмоқда. Амалга оширилган бу тадбирлар негизида турли шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг гўшт ишлаб чиқариш салоҳиятида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Республикамиз аҳолисини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда деҳқон хўжаликларининг салмоғи 2000 йилда 91,1 фоиздан 2010 йилда 95,1 фоизга, фермер хўжаликларида 1,3 фоиздан 2,6 фоизга ошгани ҳолда ширкат хўжаликларида мутаносиб равишда 7,6 фоиздан 2,3 фоизгача камайди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғида ишлаб чиқарилган гўштнинг асосий қисми деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиб, улар истиқболда ҳам чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўз устуворлигини сақлаб қолади.

Аммо бугунги кунда мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотлари истеъмолининг физиологик талаблар даражасига нисбатан суст ривожланаётганлиги, турли хўжалик субъектларининг бозор конъюнктурасига мослашувининг қийинчилиги билан кечаётганлигини қайд этган ҳолда озиқ-овқат таъминотида сифат ўзгаришларига эришиш зарурияти долзарб вазифа эканлигини қайд этиш муҳимдир.

Хусусан, ҳозирга келиб ўтган асрнинг 90-йилларига нисбатан мамлакатда сут ишлаб чиқариш қарийб 42 фоиз, сўйилган вазнда гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 22 фоизга ошган бўлса-да, тиббий меъёрга нисбатан гўшт ва гўшт маҳсулотлари таъминоти 30 фоизни, сут маҳсулотлари таъминоти эса 80 фоизни ташкил этмоқда. Айни чоғда гўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача тирик вазни кейинги 15 йилда 371 кг дан 230 кг га, 1 соғин сигирдан олинадиган сут миқдори эса 2600 литрдан 1900 литрга, ёш қорамолларнинг суткалик ўртача семириши 608 грамм ўрнига 350-400 граммга пасайган. Бундай ҳолат чорва маҳсулотлари таннархининг ошишига, пировардида эса улар харидоргирлигига жиддий салбий таъсир этмоқда.

Чорвачиликда меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва бошқа моддий харажатларнинг серчиқимлилиги нафақат экспортбоп маҳсулот етиштириш, балки импортга рақобатбардошликни ҳам таъминламаяпти. Чунончи, миллий озиқ-овқат бозорида хориждан келтирилган парранда сони гўштининг тўлиқ рақобатбардошлиги чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимини тубдан янгилаш заруриятини намоён этмоқда.

Шу боис чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни модернизациялашнинг замонавий усул воситаларини татбиқ этиш, бунинг учун эса инвестиция манбаларини кенгайтириш, жумладан, хориж инвестициясини жалб этиш асосида чорвачиликнинг асосий ва иккиламчи маҳсулотларини қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий технологияларни жорий этиш талаб этилади.

Чорвачиликни ривожлантириш моллар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишгина эмас, балки уларнинг тўғри парваришланиши, озиқлантирилиши, талаб даражасида сақланишини ташкил этиш ҳамдир. Ҳозирги кунда чорва молларини тўғри парваришлашни ташкил этишда кўплаб муаммолар юзага келмоқда. Чорва молларининг юқори кондицион вазнларга етказилишида турли хўжаликларни наслдор чорва моллари билан таъминлаш, молларнинг семириш вазнига эътибор бериш, сифатли озиқлантириш рационига амал қилиш, пода таркиби ва ҳаракатини тубдан яхшилаш, уларни асраш шароитларини талаб даражасида ташкил этиш, зарур ветеринария-санитария тадбирларини амалга ошириш ва профилактика-зоогигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари ихтиёридаги чорва молларига нисбатан етарли даражада экин майдонларининг чекланганлиги ва ҳосилдорлигининг ортмаётганлиги, фермер хўжаликлари чорва моллари ва бошқа ресурсларни харид қилишлари учун кредит маблағларининг етарли эмаслиги ҳамда кредитлаш тизимининг ноқулайлиги, нархлар паритетининг мавжудлиги, маҳсулотларни сотиш ва қайта

ишлаш тизимининг талабга жавоб бермаслиги чорвачиликни ривожлантиришга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, гўшт ишлаб чиқариш фаолияти ва тадбиркорлик муҳитининг яратилишига давлатнинг кўмаклашуви республикада гўшт ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини таъминловчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Деҳқон ва фермер хўжаликларидида озуқа тайёрлашнинг замонавий саноатлашган кичик технологиялари усулини кенг жорий этиш ем-хашак етиштиришнинг самарадорлигини ва аҳолининг иш билан бандлигини янада оширади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

СРАВНЕНИЕ НАБЛЮДАЕМЫХ И ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ИЗГИБОВ ГРАВИТИРУЮЩЕГО ДИСКА: ПРОБЛЕМЫ КЛАССИФИКАЦИИ

Ж.К. РУЗИБАЕВ
(стажер-исследователь)
Научный руководитель:
проф. С.Н. Нуритдинов
Национальный университет
Узбекистана



Оптические и радионаблюдения показывают, что большинство спиральных галактик имеет различные крупномасштабные изгибы в их дисковых подсистемах. Типичным примером является Млечный Путь [1], который имеет, в частности, хорошо выраженный асимметричный изгиб. Можно утверждать, что изгиб подсистемы диска — это общее явление, которое наблюдается у 50% спиральных галактик [2-4]. Однако обнаружение всех изгибов является непростой задачей. Можно заметить искривления диска в случае «с боку наблюдаемой» галактики. Если же дискообразная галактика наблюдается под углом или сверху, то трудно определить, наблюдаемая галактика изгибная или нет.

Анализ формы изгибов показывает, что сегодня можно различать, по крайней мере,

N-, S-, U- и L-образные изгибные галактики (рис. 1.):

— N- или S-образный изгибы являются асимметричными, и отличаются друг от друга лишь по направлениям изгиба. Такие типы изгиба встречаются у многих спиральных галактик.

*Я думаю, думаю
месяцами и годами.
Девяносто девять раз
заключение неверно.
В сотый раз я прав.*

Альберт ЭЙНШТЕЙН

– U-образный изгиб имеет форму чашки или буквы U, и это означает, что обе стороны галактики изогнуты в одинаковом направлении.

– L-образный изгиб, встречается сравнительно редко, и это связано с тем, что одна часть галактики искривлена, а другая часть – нет.




Рис.1. Типы изгиба. β – угол изгиба

На основе теоретических рассуждений [5] мы также утверждаем, что галактика или ее некоторый слой может формироваться в некоторых случаях из-за колебаний центральной области диска. Соответствующая вертикальная мода колебаний может привести к формированию куполообразной выпуклости в центральной области, что находится в области балджа. Но, к сожалению, другие авторы не обращают внимания на этот тип изгиба, который требует глубокого анализа.

Необходимо уточнить, какая из вертикальных мод колебаний соответствует вышеуказанным типам изгиба. Воспользуемся теорией малых изгибных колебаний тонкого диска, разработанной впервые Хантером и Тумре [6]. Согласно этой теории, если плоскость диска подвергнута деформации и вертикальное смещение его элемента в точке $r(x, y)$ в момент времени t равно $H(r, t)$, тогда величина вертикальных возмущений в общем случае описывается формулой

$$H(\vec{r}, t) = D(\psi) \frac{1}{\sqrt{N}} P_N^m\left(\frac{z}{r}\right) e^{im\varphi} \quad (1)$$

где $\xi = \left(1 - \frac{r^2}{R^2}\right)^{1/2}$, $D(\psi)$ – искомая функция от времени

t , характеризующая амплитуду вертикальных колебаний, ψ – азимутальный угол, $P_N^m(\xi)$ – присоединенный полином Лежандра, N – основной индекс возмущения, m – азимутальное волновое число, причем разность $N - m$ должна быть всегда нечетной.

Теперь с помощью анализа поведения функции $H(\bar{r}, t)$ в (1) можем определить значения m, N вертикальных мод колебаний, которые приводят к наблюдаемому изгибу самогравитирующего диска. Ниже приводим конкретные




Рис.2. Графики функции $H(\bar{r}, t)$ для четырех мод: а) $m=5; N=6$; б) $m=4; N=5$; в) $m=0; N=3$; г) $m=1; N=2$

картины, которые выражают асимметричные, U и П-образные типы изгиба. Случай z) на рис. 2 соответствует прецессионным колебаниям ($m=1$; $N=2$), которые в некоторых моделях могут быть неустойчивыми.

Надо отметить, что нами была рассмотрена зависимость $N(F, t) \sim r$ в более чем 20-ти вертикальных модах колебаний, и таким образом сравнены наблюдательные данные с теорией. К сожалению, пока трудно определить моду колебания, которая может описать L-образный изгиб диска. Кроме того, из полученных графиков можно предполагать существование также других типов изгиба, которые пока никем не замечены. Итак, только на основе теоретических рассуждений и тщательного анализа данных наблюдений можно составить более полную классификацию изгибных спиральных галактик.

Литература

1. Burton W. B. 1988, Galactic and Extragalactic Radio Astronomy, ed. K. I. Kellerman, & G. L. Verschuur (Springer-Verlag, Berlin), 295.
2. Innanen K.A., Kamper K.W., Papp K.A., van Bergh S. //Astrophys. J., 1982, 254, 515.
3. Sancisi R. //Astron. Astroph., 1976, 53, 159.
4. Sanchez-Saavedra M.L., et al. //MNRAS, 1990, 246, 458.
5. Nuritdinov S.N., Mirtadjieva K.T., Iqbal Ahmad, Ruzibaev J.K. //Astrophysics, 2009, 52, 4.
6. C.Hunter, A.Toomre //Astrophys. J., 1969, 155, 3, 747.

**PLEUROTUS OSTREATUS НИНГ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТАЛАБЛАРИГА МОС МАҲАЛЛИЙ
ШТАММЛАРИНИ АЖРАТИШ**

М.САФАРОВ

(талаба)

Илмий раҳбар: У.Н. Раҳмонов

Тошкент аграр университети



Истеъмол учун етиштириладиган *P.ostreatus* замбуруғининг штаммларига бир қатор талаблар қўйилади, яъни қисқа муддат оралиғида кўп ҳосил берувчи; таркибида целлюлоза ва лигнин бўлган қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда уларни қайта ишлашдан ҳосил бўлган саноат чиқиндиларидан иборат субстратларда ўсувчи; бактерия ва такомиллашмаган замбуруғларга нисбатан юқори рақобатбардошликни намоён қилувчи; мицелий ўсадиган ҳароратга яқин бўлган ҳароратда меватана ҳосил қилувчи; спорасининг бўлмаслиги; мазаси ва ҳиди ёқимли ҳамда ўзининг тўйимли бўлиши; ташиш ва сақлаш вақтида сифатини йўқотмаслик каби хусусиятларга эга бўлиши керак (Бисько, Дудка, 1987). Юқоридаги хусусиятларга эга бўлган штаммларни олиш бўйича чет элда (Eger, 1974, 1978 а, в; Eger et al., 1976; Gyurko, 1979, 1982, 1984; Imbernon, 1981; Imbernon et al., 1984; Бисько ва бошқ., 1982; Бисько, Дудка, 1987; Шнирева, 2002) бир қатор селекция ишлари амалга оширилган.

*Камолотга эришиш
учун, аввало, қалб поки-
залиги ҳақида ўйлаш
керак. Қалб покизали-
гига эса юрак ҳақиқатни
излаганда ва руҳ ориф-
ликка интилган тақдир-
дагина эришилади.
Буларнинг барчаси ҳақи-
қий билимга боғлиқдир.*

КОНФУЦИЙ

Биз ҳам ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган маҳаллий штаммларни олиш мақсадида Тошкент вилояти ҳудудидан йиғилган *P.ostreatus* замбуруғининг намуналаридан ажратилган 27 та штаммнинг соф культураларидан фойдаландик. Кўп спорали культураларни олиш учун маҳаллий штаммларнинг ҳар биридан алоҳида олинган споралар аралашмасидан иборат 10^5 – 10^6 марта суюлтирилган суспензиясидан Петри ликопчаларига экилди. Споралардан ўсиб чиққан колонияларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида қилиб озика муҳити бор пробиркаларга экиб олинди ва бу пробиркалардаги замбуруғ мицелийси 24 – 26°C ҳароратли термостатга қўйиб ўстирилди. Шундан кейин 27 та штамм орасидан дастлабки танлаш йўли билан агарли картошка қаттиқ озика муҳитида ўсиш тезлигига қараб энг яхши кўрсаткичларни намоён қилган 8, 12 ва 21 штаммлар танлаб олинди. Бу штаммлар билан кейинги илмий тажрибалар давом эттирилди ва штаммларни танлаб олишнинг навбатдаги босқичида асосий эътибор уларнинг ҳосилдорлигига ва ҳароратнинг мева нишонлари ҳосил бўлишига таъсирини ўрганишга қаратилди. Штаммлар бир компонентли ғўза чигити шелухасидан иборат субстратда ўстириб синаб кўрилди. *P.ostreatus* штаммларини ўстириш ва ҳосилни етиштиришда берилган технологик жараёнларга тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилди.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, синаш учун олинган штаммлар орасидан 12 штамм қолган 8 ва 21 штаммларга нисбатан ҳосили юқори бўлиши билан ажралиб турди, яъни ҳар бир целлофан қопчадан ўртача 1,34 кг ҳосил олинди. Бу кўрсаткич 8 штаммда 1,0 кг га, 21 штаммда эса 1,15 кг га тенг бўлиши кузатилди.

Манбаларда келтирилишича, *P.ostreatus* замбуруғи мева нишонларининг ҳосил бўлиши учун энг қулай ҳарорат 14 – 15°C ҳисобланади (Бисько, Дудка, 1987). Республика-миз шароитида замбуруғ етиштириладиган хонада бундай ҳароратни фақат қиш фаслида, эрта баҳор ва кеч кузда ҳосил қилиш мумкин, қолган 6–7 ой давомида иссиқ ша-роитда бундай ҳароратни ҳосил қилиш учун хонанинг ҳа-воси кондиционерлар ёрдамида доимо совитилиб турилиши

керак. Бу эса қўшимча энергетик харажатлар туфайли *P.ostreatus* ҳосили таннархининг ошишига олиб келади. Шу сабабли мева нишонларини нисбатан бир оз юқорироқ ҳароратда ҳам ҳосил қилиш хусусиятига эга штаммларни танлаб олиш кейинги тадқиқотларимизнинг асосий мақсади қилиб қўйилди. Бунинг учун тўлиқ замбуруғ мицелийси билан қопланган шелухадан иборат бир компонентли субстратлар 10, 15, 20, 25, 30°C ҳароратли термостатларга қўйилди ва бу ерда 7 сутка давомида сақланди.

1-жадвал

P.ostreatus замбуруғининг ажратиб олинган маҳаллий штаммлари ҳосилдорлиги

| № | Штаммлар | Субстрат солинган копчаларнинг оғирлиги, кг | Вариантларнинг қайтарилиши, олинган ҳосил, кг | | | | Ўртача ҳосилдорлик, кг |
|----|----------|---|---|------|------|------|------------------------|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 | |
| 1. | 8 | 2,0 | 0,95 | 0,88 | 1,12 | 1,05 | 1,00 |
| 2. | 12 | 2,0 | 1,21 | 1,36 | 1,32 | 1,17 | 1,34 |
| 3. | 21 | 2,0 | 1,2 | 1,03 | 1,1 | 1,11 | 1,15 |

Тадқиқотларимиз давомида 10°C ва 15°C ҳароратларда синалаётган учта штаммнинг ҳаммасида ҳам мева нишонларининг юзага келиши деярли бир хил бўлди (2-жадвал).

20°C ҳароратда 8 ва 21 штаммларнинг мева нишонлари ҳосил бўлиши нисбатан камроқ бўлди. Лекин бу ҳароратда 12 штаммнинг мева нишонларини ҳосил қилиши олдинги синалган ҳароратдан деярли фарқ қилмади. 25°C ва 27°C ҳароратларда мева нишонлари фақат 12 штаммда юзага келди, қолган 8 ва 21 штаммлар мева нишонларини умуман ҳосил қилмади.

Тажрибаларнинг кейинги босқичида 12 маҳаллий штаммга УБ (ультрабинафша) нурини таъсир эттириб, юқори ҳароратда мева нишонларини ҳосил қиладиган 12 мутант штамм ажратиб олинди ва бу штаммнинг ҳосилдорлиги НК-35 ва К-77 штаммлар билан солиштириб ўрганилди.

***P.ostreatus* штаммларининг мева нишонларини ҳосил қилишига ҳароратнинг таъсири**

| № | Штаммлар | Мева нишонларининг ҳосил бўлиши | | | | | |
|----|----------|---------------------------------|------|------|------|------|------|
| | | Ҳарорат | | | | | |
| | | 10°C | 15°C | 20°C | 25°C | 27°C | 30°C |
| 1. | 8 | + | + | + | - | - | - |
| 2. | 12 | + | + | + | + | + | - |
| 3. | 21 | + | + | + | - | - | - |

Бу штаммлар бир компонентли субстрат, яъни шелухадан иборат субстратда ўстирилди ва ҳар бир вариант учун 40 тадан субстратли қопчалар ишлатилди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ҳосилдорлиги жиҳатидан НК-35 штамми 12 штаммга нисбатан бир оз юқори кўрсаткичларни намоён қилди, яъни битта целлофан қопчадан ўртача 1,687 кг ҳосил олинди. 12 штамм экилган битта қопчадан эса ўртача 1,632 кг ҳосил йиғиштирилди.

Илмий тадқиқотлар натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, маҳаллий штаммлар орасидан танлаб олинган 12 мутант штаммнинг ҳосилдорлиги НК-35 штаммига нисбатан бир оз камроқ бўлса ҳам, лекин юқори ҳароратда (27°C) ҳам тугунчалар ҳосил қилиши аниқланди.

Хулосалар

1. Маҳаллий штаммлар орасидан мутаген омиллардан УБ (ультрабинафша) нури уларнинг соф культурасига таъсир эттирилиб, юқори ҳароратда мева нишонларини ҳосил қиладиган 12 мутаген штамм ажратиб олинди.

2. 12 мутаген штамми Ўзбекистон шароитида етиштиришда технологик кўрсаткичлари бўйича НК-35 ва К-77 штаммларидан самарали эканлиги аниқланди.

Адабиётлар

1. Ахмедова З.Р., Белецкая О.П., Далимова Г.Н. и др. Отбор и культивирование целлюлозы и лигнина разрушающих грибов // Микробиология. – 1994. – Т.63. Вып. 5. – С.929-936.

2. Бисько Н.А., Дудка И.А. Биология и культивирование съедобных грибов рода вешенка. – Киев: Наукова думка, 1987. – 148 с.

3. Панфилова Т.С., Гапоненко Н.И. Микофлора бассейна р. Ангрени. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1963. – 208 с.



РАЗРАБОТКА СТЕНДА ДЛЯ ОЦЕНКИ КАЧЕСТВА МАСЛЯНЫХ ФИЛЬТРОВ И ФИЛЬТРУЮЩИХ ЭЛЕМЕНТОВ СИСТЕМЫ СМАЗКИ ДВС

С.Н. СУЛТАНОВ
(студент 4 курса)

Научный руководитель:
д.т.н., проф. А.А. Мухитдинов
Ташкентский автомобильно-дорожный
институт

Согласно постановлению Президента РУз № ПП-1072 от 12.03.2009 г. об ускорении реализации инвестиционных проектов по модернизации, техническому и технологическому перевооружению производства, обеспечению на этой основе внедрения современных технологий и освоения производства конкурентоспособной, востребованной на внутренних и внешних рынках высококачественной продукции, расширения экспортного потенциала в период с 2009–2014 года по программе мер по реализации важнейших проектов по модернизации, техническому и техно-

логическому перевооружению производства запланировано более 190 проектов.

Одним из проектов модернизации является предприятие «SDK group and» в Шахриханском районе Андижанской области по производству масляных, топливных и воздушных фильтров. Проектная мощность

*Если мы желаем
перестроить и
улучшить окружающий
мир, надо прежде всего
перестроить себя,
стать лучше самим.*

Джордано БРУНО


предприятия за смену составляет 500–1500 топливных, 5000–7000 масляных и 2000–2500 воздушных фильтров. Готовую продукцию будут поставлять не только в «GM Uzbekistan», но и экспортировать в зарубежные страны. Согласно постановлению № 318 от 06.07.2004 г. Кабинета Министров РУз экспортируемая и импортируемая продукция должна соответствовать качеству и иметь подтверждающий документ – сертификат соответствия.

Система смазки, в том числе и фильтры, влияет на износостойкость и долговечность работы двигателя внутреннего сгорания. Качество фильтров определяется несколькими параметрами, испытываемыми на стенде. Для получения сертификата соответствия масляные фильтры и фильтрующие элементы должны отвечать требованиям ОСТ 37.001.417 «Фильтры тонкой очистки масла автомобильных, тракторных и комбайновых двигателей».

Аппаратура, предназначенная для испытаний фильтров и фильтрующих элементов, должна отвечать требованиям по точности, обеспечена динамическими условиями рабочего режима фильтра его фильтрующих элементов, встроенных клапанов, герметичности и прочности в целом. Для обеспечения этих требований с конструкторами ОАО «ТАПОиЧ» и сотрудниками НТЦ «СертифАТ» были обсуждены более 50 вопросов. По результатам обсуждения составлена следующая схема стенда.

В бак заливается моторное масло марки SAE-15W-40; SAE-20W-50. С помощью электронагревателя масло нагревается до 80 ± 5 °С и интенсивно перемешивается мешалкой. Регулируемый насос подает масло в главную магистраль системы. Поток масла проходит через манометры, испытываемый фильтр, расходомер и сливается обратно в бак, при этом снимаются показания и оценивается соответствие фильтра, фильтрующего элемента, перепускного клапана. При необходимости очистки масла от искусственного загрязнителя масло перегоняется через технологический фильтр во второй бак. После очистки масло по вторичной

магистрали перегоняется в первичный бак. С помощью дросселей и показания манометра доводим давление в системе до нужного значения, указанного в технических условиях фильтра.




1 – бак; 2 – термометр электроконтактный; 3 – электронагреватель; 4 – насос регулируемый; 5 – дроссель регулируемый; 6 – технологический фильтр; 7 – насос нерегулируемый; 8 – манометр; 9 – кран отбора проб; 10 – приспособление для закрепления фильтрующего элемента и клапана фильтра; 11 – приспособление для закрепления испытуемого фильтра; 12 – расходомер (счетчик жидкости); 13 – электродвигатель с мешалкой.

Данное приспособление позволяет закрепить фильтрующие элементы.


После рассмотрения рабочих процессов и конструкции стендов, испытывающих масляные фильтры и фильтрующие элементы, была выбрана оптимальная схема, которая позволяет определить все параметры, установленные нормативными документами на фильтры и фильтрующие элементы: испытание фильтров и фильтрующих элементов на полноту отсева, гидравлическое сопротивление и

стойкость повышенному давлению; проверка фильтрующих элементов на ресурс фильтрующего элемента, испытание фильтров выдерживания высокого давления без разрушения; проверка максимальных утечек через перепускной клапан, определение его гидравлического сопротивления и давления открытия; испытание на вибростойкость, стойкость к пульсации давления и работоспособность при температурах от минус 50 до плюс 135 °С.

В настоящее время разработка схемы стенда завершена и ведутся работы над изготовлением.



1 – верхняя (подвижная) пластина с уплотнением вокруг центральной трубки; 2 – заглушка в центральной трубке; 3 – опорная (неподвижная) пластина с уплотнением вокруг центральной трубки; 4 – вход; 5 – штуцеры для измерения перепада давления на фильтрующем элементе; 6 – отверстия, зачищенные от заусениц; 7 – отверстия в центральной трубке; 8 – выходное отверстие.



1 – отверстие для закрепления детали в корпус стэнда; 2 – входное отверстие масляной системы; 3 – выходное отверстие; 4 – канал подачи масла в фильтр.

Литература

1. ОСТ 37.001.417. Фильтры тонкой очистки масла автомобильных, тракторных и комбайновых двигателей. М., 1990.

2. O'z DSt 2125:2010. Государственный стандарт Узбекистана. Промышленная чистота фильтров и фильтрующих элементов. Т., 2010.

ИННОВАЦИОННЫЙ ПОТЕНЦИАЛ МОЛОДЕЖИ И ЕГО РОЛЬ В РАЗВИТИИ СТРАНЫ

Е.А. СЫЧЕВА

(студентка 4 курса)

Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ

им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте



Глава нашего государства И.А. Каримов, подводя итоги независимого развития Республики Узбекистан и определяя перспективы развития страны, подчеркивает, что сегодня «ставится задача дать с позиций сегодняшнего дня объективную оценку по реализации долгосрочной цели, которую мы ставим перед собой, – войти в число современных развитых, демократических государств, обеспечить своему народу достойные условия жизни и достойное место в мировом сообществе»¹, а инновационная политика на пути достижения данной цели современным сообществом рассматривается как мощный рычаг, с помощью которого возможно обеспечить модернизацию экономики и наполнить рынок высокотехнологичной продукцией. Поэтому основ-

Юные друзья! Каждый из вас должен найти свой и только свой путь в науке. Признавайте авторитеты, уважайте старость, однако ещё больше полагайтесь на собственный взгляд, держите глаза открытыми!

НАНСЕН

¹ Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – press-resvice.uz.

ной целью государственной политики в области науки и технологии становится переход к инновационному развитию страны. Это еще раз подтверждает справедливость того, что «в век глобализации и все более усиливающейся конкуренции мы обязаны реально и самокритично оценивать свое место в происходящих сегодня в мире кардинальных переменах, идти в ногу с растущими требованиями времени»¹.

Необходимость внедрения инноваций, как залога успешности экономического развития, на сегодняшний день не вызывает сомнения. Однако ученый не обладает нужными знаниями и навыками для организации коммерциализации разработанных новшеств — продуктов и технологий, а бизнес маловосприимчив к инновационным проектам, так как их реализация сопряжена с существенными рисками, связанными с неопределенностью результата, неразвитостью рынка и необходимостью переоборудования или даже организацией нового производства.

В современных условиях инновации должны стать набором патентов, авторских решений, «ноу-хау», которые имеют прямое распространение на практике. Однако большинство специалистов и бизнесменов не понимают выгоды от их внедрения, к сожалению, еще нет желания выстраивать свою жизненную стратегию вокруг инноваций. То есть существует ряд системных проблем, которые требуют своего оперативного решения. При этом потенциал у нашей страны огромный, поэтому у нынешнего поколения есть все шансы осуществить инновационный прорыв.

«Жизнь никогда не стоит на месте, и выигрывает та страна, тот народ, который имеет глубоко продуманную программу и стратегию ее реализации, имеющую четкие ориентиры и приоритеты, и, что особенно важно, рабо-

¹ Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. — press-resvice.uz.

тающую на упреждение возможных кризисов и различных катаклизмов, взлетов и падений мировой экономики»¹. Необходимо помнить, что будущее нашей страны в руках молодежи, поэтому очень важны готовность, желание и возможность именно этой социальной группы спланировать и реализовать свое будущее, сделать жизнь более комфортной и совершенной, а бизнес более прибыльным – вот задачи современного общества.

В работе «Наша главная задача – дальнейшее развитие страны и повышение благосостояния народа» И.А. Каримов отмечает: «Мы ставим перед собой цель – создать необходимые возможности и условия для того, чтобы наши дети росли не только физически и духовно здоровыми, но и всесторонне и гармонично развитыми людьми, обладающими самыми современными интеллектуальными знаниями, людьми, в полной мере отвечающими требованиям XXI века, в котором им предстоит жить и трудиться»².

Молодежь всегда воспринималась обществом как судьбоносная сила, как будущее, поэтому именно она должна стать опорой инновационного развития государства.

Так, Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов отмечал, что «какие бы тщательно продуманные программы по развитию страны ни разрабатывались, какая бы материальная база и возможности ни создавались и какие бы средства ни инвестировались, существует только один наиважнейший фактор, который позволит осуществить все задуманное и достичь намеченных целей, это – высококвалифицированная рабочая сила, молодые специалисты, способные взять на себя ответственность за завтрашний день, за дальнейшее развитие страны». Цели, обозначенные в

¹ Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – press-resvice.uz.

² Каримов И.А. Наша главная задача – дальнейшее развитие страны и повышение благосостояния народа. – Т.: Узбекистан, 2010.

докладе Президента, соответствуют политике правительства, направленной на повышение благосостояния населения. Принимая во внимание, что около 60,0% населения Узбекистана составляет молодежь до 25 лет, предусмотренные меры способствуют дальнейшему улучшению доступа к образованию, здравоохранению и другим социальным услугам для большинства граждан страны.

И действительно, приоритетная задача нашего государства — подготовка востребованных высококвалифицированных специалистов. Для успешного претворения в жизнь всех задач по подготовке и обучению стремящегося к знаниям поколения в республике, наряду со многими национальными высшими учебными заведениями, также созданы филиалы ведущих зарубежных вузов, в частности, Сингапура, Италии, России и Великобритании. Сегодня возникает необходимость дальнейшего улучшения качества образования на всех уровнях путем введения новых стандартов обучения, пересмотра образовательных направлений и специальностей в системе высшего и среднего специального образования с учетом требований рыночной экономики. Эти меры должны быть направлены на полную реализацию потенциала системы образования, созданной в соответствии с Национальной программой по подготовке кадров, предусматривать разработку и принятие новых нормативно-правовых документов, распространение современных информационных технологий и педагогических методов.

Целеустремленные молодые профессионалы, которые в совершенстве владеют своей специальностью и всерьез намерены добиться успеха, действительно играют серьезную роль в развитии всех сфер жизни нашей страны. Неудивительно, что на производстве, в предпринимательских кругах, в научных учреждениях, в сельском хозяйстве, в образовании и культуре с каждым годом не только происходит омоложение коллективов, но и слово молодого специалиста становится все более весомым. Особенно ярко

это проявляется в таких сферах, где просто необходимо неординарное мышление и свежий взгляд на ситуацию, например, в разработке инноваций. Солидная доля новейших технологий, благодаря которым крепнет экономика страны, — результат работы, проводимой в научных учреждениях республики.

1. Аршакуни В.Л. От системы ХАССП – к системе менеджмента безопасности пищевой продукции по ИСО 22000 // Стандарты и качество. – 2008. – №2.

2. Иванов И. Пищевая безопасность по программе // Экономическая газета, 2011, №23.

3. Аванесов Е.К. НАССР – синоним безопасности // Молочная промышленность, декабрь, 2011.

К ВОПРОСУ О ВЛИЯНИИ КАЧЕСТВА НИТОЧНЫХ СОЕДИНЕНИЙ НА ПРОЧНОСТЬ ШВОВ В СПЕЦОДЕЖДЕ

Д.А. ХАКИМОВА

(стажер исследователь-соискатель)

Научный руководитель:

к.э.н., доц. М.К. Расулова

Ташкентский институт текстильной и
легкой промышленности



Спецодежда при эксплуатации претерпевает сложные деформации. Материал и соединения подвергаются растяжению, изгибу, истиранию, многократно повторяющимся и направленным в разные стороны. Кроме того, на одежду воздействуют различные физико-химические факторы. К ниточным швам, применяемым для соединения деталей в разных видах одежды, предъявляются различные требования в зависимости от их назначения. Для соединительных швов превалирующими признаками качества являются прочность и растяжимость при действии однократных нагрузок, направленных перпендикулярно или вдоль линии строчки, и выносливость при действии многократно растягивающих усилий, а также распускаемость строчек, то есть механические и эксплуатационные показатели качества.

Производство спецодежды связано с определенными условиями обеспечения прочности швов при соединении деталей одежды воедино.

При изготовлении одежды специального назначения необходимо учитывать назначе-

*Только пустые люди
не испытывают
прекрасного и
возвышенного
чувства Родины.*

И.П. ПАВЛОВ

ние ниточных соединений и различные требования, предъявляемые к ним. В связи с неодинаковым назначением ниточных соединений и различием в характере и в величинах воспринимаемых нагрузок оптимальные качественные показатели ниточных соединений изменяются. На механические свойства ниточных соединений влияет конструкция швов, ширина припусков материала на швы, количество строчек в шве, а также технологические режимы стежкообразования: частота стежков, вид и натяжение ниток, ослабление прочности ниток и стачиваемых материалов в процессе пошива.

Целью настоящих исследований является изучение влияния качества ниточных соединений на прочность машинных швов при изготовлении одежды специального назначения для рабочих автопредприятий. На механические свойства ниточных соединений влияет конструкция швов, ширина припусков материала на швы, количество строчек в шве, а также технологические режимы стежкообразования: частота стежков, вид и натяжение ниток, ослабление прочности ниток и стачиваемых материалов в процессе пошива. Прочность шва определяется по КПД шва по следующему выражению:

$$\text{КПД} = 100 P_{\text{ш}} / P_{\text{т}},$$

где $P_{\text{ш}}$ и $P_{\text{т}}$ – разрывная нагрузка соответственно шва и материала [1].

Разрывная нагрузка ниточных соединений и швов зависит от целого ряда факторов, в большей степени от вида шва и длины стежков в строчке. Прочность ниток также имеет превалярующее воздействие на разрывную нагрузку ниточных соединений. Чем прочнее нитка, тем теоретически должна быть прочнее и строчка, выполненная этой ниткой.

По результатам исследований произведен расчет КПД шва в зависимости от вида ткани. В таблице приведен сравнительный анализ прочности швов в зависимости от

прочности ткани. В ряд исследуемых тканей введены текстильные материалы с безотказными прочностными свойствами, характерными для условий эксплуатации объектов исследования.

Сравнительный анализ прочности швов

| № | Вид ткани | Длина стежка, мм | КПД шва при номинальной прочности (1) – 228 Н, и (2) – 290 Н |
|----|--|------------------|--|
| 1. | Ткань для спецодежды смесовая (1) | 4 | 68 |
| 2. | Ткань для спецодежды полушерстяная (2) | 4 | 41 |
| 3. | Ткань для спецодежды смесовая | 3,5 | 75 |
| 4. | Ткань для спецодежды полушерстяная | 3,5 | 42 |
| 5. | Ткань для спецодежды смесовая | 3,3 | 80 |
| 6. | Ткань для спецодежды полушерстяная | 3,3 | 109 |
| 7. | Ткань для спецодежды смесовая | 3 | 141 |
| 8. | Ткань для спецодежды полушерстяная | 3 | 113 |

В швейной промышленности при производстве отдельных видов одежды необходимо использовать швейные нитки со специальными пропитками, которые повышают прочность и снижают обрывность ниток.

В настоящей работе была предпринята попытка создания прочных швов при соединении деталей спецодежды из тканей с пропитками ГЖ-94 и латексными покрытиями. При этом особое внимание уделялось видам швейных ниток (сырьевого состава, крутки). Обычные хлопчатобумажные швейные нитки не обеспечивают должной прочности и надежности при стачивании деталей из тканей с пропитками, так как они имеют повышенную жесткость,

что служит причиной возникновения околошовных дефектов. Поэтому в работе были предложены швейные нитки марки «100% Spun Polyester», № 40/2, обработанные пропиткой с литером - Н. Прочность и удлинение ниточного шва при использовании швейной нитки «100% Spun Polyester», № 40/2, определяли на разрывной машине «СТАТИМАТ С».

В качестве объектов исследования выбраны ткани типа смесовая и полушерстяная, используемые при изготовлении зимней спецодежды. Установлено, что длина стежка при стачивании деталей одежды находится в пределах 3–4 мм при использовании швейной нити № 40/2, номера иглы 90–100, при толщине материала 0,24–0,48 мм.

Детали спецодежды соединялись предложенными швейными нитками при соблюдении стандартных условий. Разрывная нагрузка стачных ниточных швов определялась по ГОСТу 3813–72 [2].

Специфика выбранных тканей обусловлена условиями эксплуатации спецодежды на автопредприятии. С целью наглядного представления результатов исследований на рисунке 1 показан график зависимости прочности шва от вида ткани и длины стежка. Сравнительный анализ был проведен с целью оптимизации выбора рациональных режимов обработки, позволяющих снизить трудоемкость процесса сборки деталей и узлов изделия и повышения его прочности.

Таким образом, установлены рациональные параметры ниточного соединения деталей спецодежды для рабочих автопредприятий: при длине стежка 3–3,3 мм, нитках марки «100% Spun Polyester», № 40/2, и номере иглы 90–100 прочность шва резко возрастает (практически в 1,5–2 раза).

Разработку новой качественной спецодежды для рабочих автопредприятий необходимо осуществлять с учетом выявления вредных производственных факторов, изучения механических свойств ниточных соединений, т. е. конструк-

ции швов, ширины припусков материала на швы, количества строчек в шве, а также технологических режимов стежкообразования: частоты стежков, вида и натяжения ниток, ослабления прочности ниток и стачиваемых материалов в процессе пошива.




Рис.1. График зависимости показателя разрывной нагрузки от вида ткани и длины стежка

Литература

1. Кокеткин П.П., Сафронова И.В. Пути улучшения качества изготовления одежды. М.: Легпромбытиздат, 1989.
2. ГОСТ 3813–72. «Ткани и штучные изделия текстильные. Методы определения разрывных характеристик при растяжении».

АГРАР СОҲАДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА САЛОҲИЯТДАН ФЙДАЛАНИШ

Н. ХАЛИЛОВА
(стажер-тадқиқотчи)

Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Ў.П. Умурзоқов
Тошкент ирригация ва мелиорация
институту



Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабоқлари шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётни ривожлантиришнинг навбатдаги янги босқичи миллий инновацион иқтисодиётни шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Зеро, муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар»¹.

Цивилизация нима дегани? Бу олға кетаётган инсон ҳар қадамда юзага келтираётган доимий кашфиётлардир: тараққиёт сўзининг ўзи ҳам шундан келиб чиққан.

Виктор ГЮГО

¹ Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган йигилишдаги маърузадан. 2009 йил 5 декабрь.

Юртбошимиз томонидан билдирилган ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт тармоқлари, шу жумладан аграр соҳада шаклланган интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва инновацион фаолликни ошириш орқали ишлаб чиқаришни техник-технологик жиҳатдан модернизациялаш асосий шартлардан ҳисобланади.

Шу сабабли ўтган давр мобайнида аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳада туб таркибий ўзгаришлар юз бериб, ушбу жараёнда фермерликни ривожлантиришга устуворлик берилди. Хусусан, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил тадбирлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Шундай экан, эндиликда фермер хўжалиklarини нафақат сон жиҳатидан кўпайтириш, балки уни, аввало, сифат жиҳатидан ҳам ривожлантириш, соҳада оддий анъанавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган, илғор инновацион технологияларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, фақат ўтган уч-тўрт йил мобайнида фермер хўжалиklarининг сони кескин қисқариб, бир фермерга тўғри келадиган ер майдонининг ошганлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, қайд қилинган йиллар мобайнида фермер хўжалиklари сони 3,3 баробарга, яъни 219976 тадан 66134 тага камайгани ҳолда, бир фермерга тўғри келадиган ер майдони 3,1 баробарга, яъни 26,6 гектардан 80,1 гектарга ортган. Демак, фермер хўжалиklари ер майдонларининг оптималлашуви (йириклашуви) улар фаолиятига инновацияларни жорий этиш имкониятларини кенгайтириш билан бирга молиявий ҳолатларини ҳам бирмунча яхшилайтиди. Лекин бу билан биз қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларни ривож-

лантириш муаммосиз кечади, бунинг учун фермер хўжаликларида етарлича имкониятлар мавжуд деган фикрдан йироқмиз.

Қўйилган мақсадга эришиш учун аграр тармоқда ишлаб чиқариш тизимининг асосини ташкил этувчи жисмонан ва маънан эскириб қолган ишлаб чиқариш ускуналари ва технологик воситалар ҳажмини кескин қисқартириб, илм-фан соҳасида эришилган замонавий янгиликларни, яратилган илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш зарур.

Бунинг учун эса давлат миқёсида интеллектуал мулк ва инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳамда инвестицион фаолликни ошириш керак. Акс ҳолда миллий иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларидан бўлган аграр соҳа иқтисодиёти ҳам умумжаҳон миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатларидан ортда қолиб кетади. Давлат миқёсида амалга ошириладиган инновацион сиёсат негизида ётган аниқ чора-тадбирлар пировард натижада қисқа муддатлар давомида республикамизнинг илмий муассасалари ҳамда олий ўқув юртарининг илмий-техник ва интеллектуал салоҳиятини юксак даражада ривожлантиришга туртки бергани ҳолда илмий соҳада эришилган натижаларни самарадорлик билан қўллашга имкон яратиши лозим.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз бўйича фақат 2005–2010 йиллар мобайнида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасалари сони 152 тадан 222 тага ёки 146,8 фоизга, инновацион илмий техника дастурлари сони 185 тадан 221 тага ёки 119 фоизга ортган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, шаклланган катта интеллектуал мулк ва инновацион салоҳият вакиллари томонидан тайёрланган техник ишланмаларни амалиётга жорий қилувчи инновацион марказлар сони 2005 йилда атиги 5 тани, 2010 йилда эса 13 тани ташкил этган. Ҳозирги кунда давлат миқёсида устуворлик берилган кичик бизнес субъектлари томонидан 2005 йилда 42 дона, 2010 йилда эса 78 дона патентлар олинган.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, инновацион салоҳият индикаторларининг деярли барчасида ўсиш тенденциялари кузатилса-да, ҳозирги жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ва рақобат муҳитининг кучайиб бориши, маҳсулотлар ҳаётийлик даврининг кескин қисқариши, бозор конъюнктураси ва истеъмолчилар эҳтиёжларининг тез ўзгариш жараёнлари бугунги кунда юқорида келтирилган индикаторлар ўсиш тенденцияларининг ҳам давр талаби асосида бўлишини талаб этади.

Республикамызда эса инновацион салоҳият ва улардан фойдаланиш даражаси қисқа муддатларда иқтисодиётда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг юқори даражасига эришиш имконини бермайди. Шу боис уни ривожлантириш давлат томонидан мазкур йўналишдаги аниқ чора-тадбирларни белгилашни, иқтисодиёт тармоқлари бўйича махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилади. Бу борада аграр соҳада асосий эътиборни, авваламбор, қуйидагиларга қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Хусусан:

– фермер хўжаликларининг илмий-техникавий ахборотлардан фойдаланиш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишдаги юқори трансакцион харажатларини камайтириш;

– фермер хўжаликлари учун янги технологияларни синовдан ўтказиш ва уларни жалб этишдаги юқори таваккалчиликларни бартараф этиш;

– аграр соҳадаги инновацион ишланмалар ва уларни жорий қилиш учун ўз ресурсларини таклиф қилувчи молиявий ва инвестиция институтлари бозорини ташкил этиш;

– фан–таълим–ишлаб чиқариш интеграцияси самарадорлигини ошириш ва уларни ўзаро боғлайдиган инновацион воситачилар тармоғини аграр соҳадаги мавжуд инновацион салоҳият базасида шакллантириш лозим бўлади.

Бир сўз билан айтганда, инновацион салоҳият ва интеллектуал мулкдан фойдаланишнинг юқори ва тезкор

бўлишини таъминлаш ҳозирги кунда улардан самарали фойдаланишни талаб этади. Бундай тезкорликни таъминлаш учун эса, албатта, инновацион жараёнларни ва интеллектуал мулкдан самарали фойдаланишни молиялаштириш масаласи энг асосий муаммолардан ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион йўлига ўтишни таъминлаш ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, амалга оширилаётган фундаментал, амалий ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш ҳамда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масалалари кўп жиҳатдан инновацион жараёнлар фаолиятини ташкил қилиш, уни молиялаштириш усуллари ва манбаларига боғлиқ.

Республикамизда инновацион жараёнларни молиялаштириш қуйидаги манбалар орқали амалга оширилмоқда: мулкчилик шаклларидан келиб чиққан ҳолда, молиялаштиришнинг давлат ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан. Шунингдек, турли шакллардаги инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг муҳим манбаси — бу мақсадли комплекс инновацион дастурлар, устувор аҳамиятга эга бўлган давлат лойиҳаларини молиялаштиришга ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобланади.

Республикамизда интеллектуал мулк ва инновацион фаолиятни молиялаштиришда давлат улуши, яъни бюджет маблағлари кўпроқ, ўртача 65–70 фоизни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич ўсиш характериغا эга бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда амалга оширилаётган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар (лойиҳалар) ривожланишида эътибор асосан фундаментал ва амалий тадқиқотларга қаратилгани ҳолда, инновацион ишланмалар ва уларни амалиётга жорий этишга зарур даражада эътибор қаратилмаган.

Маълумки, ўтган давр мобайнида республикамизда аграр иқтисодчи олимлар томонидан тармоқ иқтисодини ривожлантириш бўйича кўплаб илмий янгилик ва рационализаторлик таклифлари тайёрланган бўлиб, уларнинг

кўпчилиги ҳозиргача амалиётга жорий этилмаган. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришда ҳар учала йўналишга ҳам тенг пропорцияларга асосланган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин ушбу ишланмаларга вазирлик, ташкилотлар ва алоҳида олинган корхоналардан бўлган корхона ва фермер хўжаликларидан инновацияларга бўлган талаблар сўралганда, уларнинг ушбу илмий маҳсулотларга бўлган қизиқишларининг пастлиги ёки эътибор қаратмаслик ҳолатлари қайд этилмоқда. Бунинг асосий сабабини ҳозирда аграр соҳада фаолият юритаётган фермер хўжаликлари молиявий имкониятларининг чекланганлиги, қолаверса, ушбу вазифани бажарувчи юқори ташкилотларнинг (вазирлик, вилоят ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари) бефарқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, ҳозирги кунда аграр соҳа илмий-техник салоҳияти Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари ва Республика қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази таркибидаги турли йўналишдаги илмий тадқиқот институтларида фаолият юритаётган олимлар ҳисобланади.

Бунда, бизнинг фикримизча, аграр соҳадаги олий ўқув юртларининг инфратузилмалари миллий миқёсда илм-фан билан ишлаб чиқариш соҳаларини ўзаро бирлаштириш мумкин бўлган инновацион инфратузилмаларни шакллантириш учун асос бўла олади. Чунки ўтган давр мобайнида республикамиз олий таълим тизимида юз берган туб ислохотлар жараёнида уларда етарли салоҳият ва тажриба тўпланди. Ушбу салоҳиятдан фойдаланиш учун аграр соҳадаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари қошида инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш билан бевосита шуғулланувчи инновацион марказлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ташкил этилиши таклиф этилаётган марказларнинг моддий-техника базасини шакллантириш, ташкилий-иқтисодий фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал

этиш ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган махсус дастур асосида амалга оширилиши лозим.

Бу, ўз навбатида, аграр соҳа интеллектуал мулк соҳиблари, яъни олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган инновацион ишланмаларни қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига жорий этиш орқали улар фаолиятини модернизациялаш асосида тармоқ самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

Адабиётлар

1. Ортиқов И.С. АСМда инновацион жараённинг ташкилий-иқтисодий механизми. —Т.: Meriyus ХМНК, 2008 — 226 б.

2. Ҳусанов Р.Ҳ. ва бошқ. Қишлоқ хўжалигида инновация // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010. №8, 22-б.

3. Хушматов Н., Файзуллаева Т. Инновация ва қишлоқ хўжалиги // Агроилм. 2009. №4(12), 47-48 б.



ЎЗЛАШТИРИШ МОНИТОРИНГИ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

Т.Т. ШОЙМАРДОНОВ

(тадқиқотчи)

Ўзбекистон Миллий университети

Замонавий таълим тизимида ўқитишнинг сифатини ташхис қилиш асосида унинг ҳолатини аниқлаш, ўқув жараёнларини самарали бошқариш, таълимнинг мақсадига эришиш даражасини аниқлаш долзарб масалалар қаторига киради. Талабаларнинг фанлар бўйича билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларда ахборот технологияларини қўллаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга мослиги ҳақиқийлигини назорат қилиш мумкин.

Бунда педагогик ташхис талабалар билим, малака ва кўникмаларининг шаклланиш даражасини аниқлаш, назорат қилиш, баҳолаш, йиғишни ва статистик маълумотлар таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Миллий университетининг «Физикавий электроника» кафедрасида «Электрон педагогика асослари» махсус курси бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда фаннинг ўзлаштириш мониторинги электрон тизими ишлаб чиқилди.

*Тарихий хотираси бор
инсон — иродали инсон.
Тарих сабоқлари инсонни
хушёрликка ўргатади.*

Ислом КАРИМОВ

Электрон тизим асосан уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда ўқитиладиган фан юзасидан барча маълумотлар (электрон ўқув-мето-

дик мажмуа ва қўшимча манбалар) жой олган. Талаба фан мазмунини шу қисмда жойлаштирилган ресурслар асосида ўрганadi. Бу қисмдаги барча материалларни сервердан юклаб олиб ёки тармоқ технологиялари асосида фойдаланиши мумкин (1-расм).

Тизимнинг иккинчи қисми назорат қисми бўлиб, унда факультетлар, гуруҳлар бўйича ҳар бир талабанинг тегишли фан бўйича ўзлаштириши (жорий, оралиқ, якуний назорат натижалари, топширилган курс ишлари, рефератлар) ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади.

O'zlashtirish monitoringi
e-pedagogika

D Fan dasturi
 Ma'ruzalar
 Laboratoriyalar
 Ma'ruzalar matni
 Qo'shimcha

Fanning ishchi o'quv dasturi
 Fanning ishchi o'quv dasturi Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti Fizika fakulteti «Fizikaviy elektronika» kafedrasining 2010-yil 24-maydagi №19 majlisida muhokama etilgan. 5440000 – bakalavriat ta'lim yo'nalishlari o'quv dasturi va o'quv rejasiga muvofiq ishlab chiqildi.

Tuzuvchilar:
 Pedagogika fanlari doktori, professor U.Begimkulov
 Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent L.Babaxodjayeva

Taqrizchi:
 fizika-matematika fanlari doktori, professor M.Aripov

Fanning ishchi o'quv dasturi Fizika fakulteti ilmiy kengashining 2010-yil 28-avgustdagi №1-son qarori bilan tasdiqqa tavsiya etilgan.

Fanning ishchi dasturini yuklab olish.

Talabaniing familiyasi, yoki ismi: hating va "izlash" tugmasini bosing.

Bazani 47 fatar talaba, 141 ta mavzu qo'sh, 66 ta talabnoma shi ma'ruzi
All rights reserved. Copyright © Shomardiyor T.

1-расм. Фан дастури билан танишиш блоки кўриниши

Навбатдаги блокда талабаларнинг фанни ўзлаштириши ҳақидаги барча маълумотлар: жорий, оралиқ, якуний назоратдан тўплаган баллари, қолдирилган дарс соатлари билан бир қаторда топширилган мустақил иш, реферат ва лаборатория ишларининг электрон вариантлари жой олган (2-расм).

Тизимдан маълумотларни қидиришни енгиллаштириш учун унда уч хил: фамилия, исм ва тўпланган умумий балл майдонлари бўйича тартибланиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, тизимда «қидирув» майдони мавжуд бўлиб, унга исм ёки фамилияни киритган ҳолда университет бўйича тегишли талаба ҳақидаги барча маълумотларни олиш мумкин.

Тизимга киритилган барча ишлар (мустақил иш, лаборатория ишланмалари ва рефератлар)ни сервердан бемалол юклаб олиб танишиш имконияти яратилган.

O'zlashtirish monitoringi
e-pedagogika

Kimyo yo'nalishi talabalarining "Elektron pedagogika asoslari" fanidan o'zlashtirish monitoringi.

O'qituvchi: T.T.Shoyimardonov Yo'nalish bo'yicha statistika

| № | Familiya | Ismi | 10 | 16 | 30 | 15 | 14 | Modulning bahosi | Sum | |
|----|--------------|--------------|----|----|----|----|----|---|-----|----|
| 1 | Abdusalamov | Umida | 10 | 16 | 30 | 15 | 14 | Nazariy qisqacha dasturlar | 73 | > |
| 2 | Alizadev | Sherzod | 9 | 18 | 30 | 20 | 11 | Elektron pochta, On-line va On-line reynda ishlash | 77 | > |
| 3 | Arslanov | Dilshod | 10 | 17 | 25 | 14 | 8 | Zamonaviy asbort texnologiyalarining tarqalishi va ahamiyati | 66 | FF |
| 4 | Berdimurodov | Shermuhommat | 3 | 10 | 25 | 21 | 10 | Asbobning tarqalishi va ahamiyati | 69 | F |
| 5 | Berdimurodov | Elyor | 8 | 16 | 20 | 20 | 4 | Termoqqa kompyuterlarni ulash usullari | 64 | FF |
| 6 | Bozorov | Ajram | 10 | 17 | 35 | 18 | 4 | Teleskopi va videoyuzur (yana og'ir va raqamli) va uning usullari, kompyuter va multimedial vositalar | 80 | FF |
| 7 | Bo'nyeva | Dilnoza | 5 | 18 | 30 | 24 | 4 | Axborot tashuvchisi, Axborotni qayta ishlash jarayoni | 76 | F |
| 8 | Bobatoyeva | Mohira | 6 | 19 | 38 | 23 | 2 | O'qitilishning interfaol texnologiyalari | 86 | FF |
| 9 | Bazorov | Uchqan | 10 | 18 | 30 | 15 | 6 | Aslida, video va kompyuterli multimedia bilan bir qatari, video va kompyuterli o'qitish usullari, yuqori ahamiyatga ega bo'lgan dasturlar | 73 | FF |
| 10 | Bazorova | Malluna | 0 | 18 | 35 | 26 | 2 | O'qitilishning audiovizual texnologiyalari, tele va videokonferentsiya usullari, tashqi eshik audio, video va kompyuterli o'qitish usullari | 73 | F |


Talabning familiyasi yoki ismini kiriting va "izlash" tugmasini bosing

Izlash


2-расм. Талабаларнинг ўзлаштириши ҳақидаги маълумотлар блоки кўриниши

Шунингдек, тизимда ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва келгусида бу жараён ривожини башорат

қилиш учун статистик маълумотларни олиш имкони мавжуд. Статистик маълумотларни университет, факультет ва йўналиш бўйича олиш мумкин (3,4-расмлар).




3-расм. Факультетлар бўйича талабаларнинг ўзлаштириши ҳақидаги маълумотлар блоки кўриниши



4-расм. Йўналишлар бўйича талабаларнинг ўзлаштириши ҳақидаги маълумотлар блоки кўриниши

«Аълочи талабалар рўйхатини очиш» ва «Ўзлаштириши паст талабалар рўйхатини очиш» тугмаларини босиш орқали аълочи ва ўзлаштириши паст бўлган талабаларнинг натижалари ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин (5-расм).




5-расм. Юқори ўзлаштиришга эга талабалар блоки кўриниши

Тизимнинг учинчи қисми — талабалар кириш имконияти мавжуд бўлмаган «администратор» қисми бўлиб, ундаги барча ресурслар профессор-ўқитувчи томонидан яратилади. Администратор бўлимида фаннинг ўзлаштирилиши ҳақидаги маълумотларни таҳрир қилиш, талаба ҳақидаги барча маълумотларни умумлаштириш ва янги ресурс қўшиш каби имкониятлар мавжуд (6-расм).

Ушбу мониторинг электрон тизими *php* дастурлаш тили ва *MySQL* маълумотлар базасидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган. Ҳозирда тизимни кенг жорий этиш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Тизим билан яқиндан танишиш учун университет корпоратив тармо-

фидаги <http://172.22.1.70/ep> манзилига мурожаат эти-
шингиз мумкин.



6-рasm. Администратор блоки саҳифасининг кўриниши

Адабиётлар

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. — Тошкент: Фан, 2007. — 160 б.

2. Краснова Г.А., Беляев М.И., Соловьев А.В. Технологии создания электронных обучающих средств. 2-е издание. — Москва: МГИУ, 2002. — 304 с.

3. Поляков А.А. Основные принципы создания интегрированной автоматизированной информационной системы сферы образования // Индустрия образования: Сб. статей. — Москва: МГИУ, 2001. — № 1. — С. 13 — 22.



ТАБИЙ ИПАК ТОЛАЛИ ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ш.Қ. ЭРМАТОВ
(4-босқич талабаси)

Илмий раҳбар:

т.ф.н., доц. А.Э. Фуломов

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат
институти**

Пиллани етиштиришда, чувишда, эшиш ва ипак йигириш корхоналарида табиий ипакни қайта ишлаш жараёнида анчагина чиқиндилар ажралиб чиқади. Улар ипакчилик ва тўқимачиликда хом ашё ва ярим маҳсулот сифатида фойдаланишга яроқлидир.

Пайдо бўлган толали чиқиндилар бир-биридан физик - механик ва технологик хусусиятлари, ёғлилиқ ва ифlosigkeit даражаси билан, тола узунлиги ва чизиқли зичлиги, таркибидаги серицин миқдори бўйича жуда нотекисдир [1].

Келиб чиқиши бўйича толали чиқиндиларни қуйидаги синфларга бўлиш мумкин:

– Пилла ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндилар.

– Ипак ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндилар.

– Ипак пишитиш ва мато тўқишдаги чиқиндилар.

– Ипак йигиришда ҳосил бўладиган чиқиндилар.

– Пилланинг толасиз чиқиндилари.

Тут ипак қўртининг пилла ўраш жараёнида ҳосил қилувчи пилла лоси ва нуқсонли (қорапачоқ) пиллалари ишлаб чиқаришда деярли қўлланил-

*Ким ўз юртини
севмаса, у ҳеч нимани
сева олмайди.*

Жордж БАЙРОН

майди. Инфекция билан касалланган қуртлар ўраган қора доғлари бор қорапачоқ пиллалар алоҳида териб олиниб қуритилади ва қайта ишлаш учун ипак йигириш корхоналарига юборилади. Бу қорапачоқ пиллалар миқдори умумий тайёрланаётган пиллаларнинг 0,5–0,7% ини ташкил қилади.

Пилла етиштиришда ипак қуртини боқиб пилла олишда унинг умумий миқдоридан ажратиб олинадиган пиллалардан дастада қоладиган лос ҳосил бўлади. Пилла лоси — бу пилла қурти пиллани ўраганида ҳосил бўлган турли узунлик ва йўғонликдаги аралаш чувалган, чалкаш-чулкаш момиқ толали масса бўлиб, унда 50% тола, қолгани серицин ва бошқа моддалар бўлади.

Ипак ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам чувиб бўлмайдиган яроқсиз пиллалар ва пилла қобиғидан маълум миқдорда лос ажратиб олинади. Пиллани чувиб тола учини топишга тайёрланаётган пайтида пилла қобиғидан тола, тугунчак, сдир, струна ажратиб олинади.

Пиллани чувигандан кейин қазноқ ва ўраб бўлинмаган пилла чиқиндиларига ишлов бериш цехида биринчи ва иккинчи ўтимларда «Биссу» технологик машинада холстлар олинади. Ипак эшиш, ундан тўқима ва трикотаж ишлаб чиқаришда турли хилдаги узук-улуқ, калта-култа ипак толали чиқиндилар пайдо бўлади.

Ўз навбатида, толали чиқиндилар толага бой ва толаси кам бўлган гуруҳларга ажралади.

Хом ашёнинг таркибида толага бой чиқиндиларига пахтасимон лос, пилла лоси, лосли тугунча, узуклар, назорат калавачалари, сериплан узуклари, қайта ўраш, тандалашдаги узуклар, тарашдаги тарандилар, пилталаш ва пилик-лаш қайтимлари мансубдир. Иккинчи гуруҳга эса таркибида ғумбак ва унинг қолдиқлари бўлган толали чиқиндилар киради. Булар пиллани дастлабки ишлаш базасида ажраладиган нуқсонли қўшалоқ пиллалар ва пилла чувииш корхоналарида дастлабки саралаш жараёнида ажралиб чиқадиган охиригача чувилмаган ва қазноқ пиллалардир.

Ипак толали чиқиндиларнинг вужудга келишига қараб қайта ишлаш жараёнлари маълум тартибда бажарилади. Биринчи гуруҳ чиқиндилари ипак йиғиришда фойдаланишига қисқа ва содда саралаш, тозалаш, қисман ювиш, қуритиш ва назоратлаш жараёнларидан ўтади. Иккинчи гуруҳ кам толали чиқиндиларга қатор мураккаб технологик жараёнларда ишлов берилади.

Табиий толали чиқиндиларни қайта ишлаш кўплаб илмий тадқиқот ишлари бош мақсади ҳисобланади. Ушбу йўналишда бажарилган ишларни ўрганиб таҳлил қилиш эса келажакдаги тадқиқотларнинг зарурий йўналишларини танлашда тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради. Бироқ олиб борилган тадқиқотларнинг асосий қисми пиллакашликдаги чиқиндилардан фойдаланишга бағишланган бўлиб, табиий ипак толали чиқиндилар турига кирувчи ипак йиғириш тарандилари қўлланилишига онд етарли эмаслиги кўзга ташланади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида, айниқса, ипак ипларини йиғиришда ҳозирги кунда фойдаланилмайдиган толали чиқиндилар ҳосил бўлар экан. Тадқиқот ишимизда ушбу чиқиндиларнинг юқори сифатлилигини ва ундан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини ўргандик.

Ҳозирги давргача ипак йиғириш корхоналарида ҳосил бўладиган иккиламчи ипак толали чиқиндилар – тарандилар тўқимачилик саноатида, хусусан, унинг ипакчилик тармоғида амалда фойдаланилмайди. Узун толали ипак чиқиндиларни қайта ишлаб, йиғирилган ипак ипи ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган бундай калта толали тарандиларни қайта ишлаш технологияси мавжуд эмас. Фойдали хусусиятларга эга бўлган бундай калта толали чиқиндилар амалда ишлатилмаганлиги сабабли ипакчилик соҳаси учун катта хом ашё захирасини ташкил қилади. Бундай чиқиндилар пахта толаси билан аралаштирилиб, қўшқомпонентли пахта-ипак йиғирилган ипини олишда қўлланилиши мум-

кин. Бундай иплар юқори даражадаги истеъмол хусусиятига эга бўлган трикотаж тўқималари ва буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятини беради.

Иккиламчи табиий ипак чиқиндилари ва пахта толасининг хусусиятлари ўрганилиши асосида бу толаларни аралаштириб, мавжуд пахта толасидан аралаш ип олишда фойдаланиш имконияти мавжудлиги аниқланди. Бунда мавжуд йиғириш дастгоҳларини қўллаб, пахта-ипак ипини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва дастгоҳларнинг ишлаш режимларини танлаш талаб этилади.

Илмий тадқиқот ишини бажаришда қатор тажрибалар ўтказилди. Бунда ипак ипларини йиғиришда ҳосил бўлган тарандини ингичка толали пахта толаси билан аралаштириб ип олиш имкониятлари кўрилди. Тажрибалар «Пахтасаноатилм» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидаги «Шерли» экспресс лаборатория йиғириш тизимида амалга оширилди. Олинган 25 тексли пахта-ипак йиғирилган аралаш ип Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги «CentexUz» лабораториясида синовдан ўтказилди.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ипак йиғиришда ҳосил бўлган чиқиндиларни ингичка толали пахта толаси билан аралаштириб аралаш йиғирилган ип олиш имконияти мавжуд. Олинган ип сифат кўрсаткичлари пахта ипига қўйилган талаблардан анча юқори ва иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Алимова Х.А. Ипакчиликда чиқиндисиз технология. –Т., 1999.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ



К.Х. ҲАКИМОВ
(3-босқич талабаси)

Илмий раҳбар: Д.Н. Саидова
Тошкент аграр университети

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг энг устувор вазифаларидан бири қишлоқ турмуш даражасини юксалтириш бўлиб, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бири-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган кенг кўламли чоратадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан кўриб чиқиш, уларнинг ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ўзбекистон халқи турмуш даражаси кўп ҳолларда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг даромадини ошириш билан узвий боғлиқдир. Қишлоқлардаги иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани сифат жиҳатдан замон талаблари даражасига кўтариш бутун мамлакат ривожига ижобий таъсир этмасдан қолмайди.

Қабул қилинган қатор Давлат дастурларида қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривож-

*Инсон ақли ўқиш ва
тафаккур билан
тарбияланади.*

ЦИЦЕРОН

лантириш, иқтисодиётнинг аграр соҳаси самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга янги қудратли туртки бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, қишлоқда, аввало, ёшлар ўртасида бандлик ўсишини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг кенг комплексини амалга ошириш белгиланган.

Республикамизда 2007 йилда 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойларида очилди. 2008 йилда 650 минг, 2009 йилда кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд, 2010 йилда 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжалиқларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларида яшашини ҳисобга оладиган бўлсак, иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганларнинг асосий қисми қишлоқ фуқароларидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ишсизларнинг кўпчилигини тўрт-беш фарзанди бўлган оналар, ногиронлар ташкил қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, яъни меҳнат ресурсларини иш билан тўлиқ таъминлаш аҳолининг турмуш даражасини ҳам оширади. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги корхоналарида янги иш ўринларини ташкил қилиш, айниқса, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бозор шаронтига ўтиш ва иқтисодий ўзгаришлар вужудга келиши муносабати билан республикамизда валюта биржаси, кўчмас мулк ва хом ашё, тижорат банклари ва суғурта компаниялари, улгуржи ва майда улгуржи, савдо шохобчалари, инвестиция фондлари, консалтинг, клиринг, инжиниринг

ва адвокатлик компаниялари фаолият кўрсатмоқда, лекин қишлоқ жойларида бу борада қилинаётган ишлар ҳозирги замон талабига жавоб бермайди. Қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида ихчам технология билан жиҳозланган кичик ва ўрта корхоналарни барпо этиш, инвестицион жараёнларни фаоллаштириш, корхоналарда унумдорликни ошириш, уларни интенсив ривожлантириш қишлоқда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда шарт-шароитлар яратди. Бунда хусусий ва давлат секторининг узоқ муддатли стратегик ҳамкорлиги муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш, сервис соҳалари ва касаначиликни кенг кўламда ривожлантириш зарур.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. — Т.: Ўзбекистон, 2010.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // O'zbekiston ovozi. 2009. 14 февр.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Сўз боши..... | 3 |
| Абдужалилова Н.М. Маҳаллий хом ашёлар асосида нефть ва газ саноати учун реагентлар яратишнинг истиқболлари..... | 13 |
| Абдужалилова Н.М. Состояние, перспектива производства и потребления химреагентов для добычи нефти и газа..... | 16 |
| Абдуллаева А.Б. Современные программы для проектирования мебели и их особенности..... | 25 |
| Абдураманова С. Влияние экологии на биологическое состояние почв..... | 37 |
| Абдусаматов Б.А. Разработка испытательного стенда топливных фильтроэлементов по государственным стандартам..... | 42 |
| Арустамов А.Г. Реализация задач по развитию малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан..... | 45 |
| Аҳмедова Д.А. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш қурилмаларини тақомиллаштириш..... | 53 |
| Болтаев И. Фарбий Зарафшон тоғ тизмаларида эрозия жараёнлари ҳамда эрозияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш..... | 56 |
| Валиев Ш.А. Синтез ацетиленовых аминов..... | 62 |
| Гуляева Г.Х. Разработка нового ассортимента комбинированного трикотажа..... | 66 |
| Гулямов С.С. Целевая программа активизации деятельности молодых ученых Узбекистана..... | 71 |

| | |
|--|-----|
| Давлатов Б.А. | |
| Ўзбекистон иқтисодиёти: салоҳият ва тараққиёт..... | 77 |
| Еркариев А.Ж. | |
| Усовершенствование технологии получения технического госсипола при переработке семян хлопчатника..... | 81 |
| Жанонов О.Б. | |
| Мустаҳкамлик назариялари Кулон талқинида..... | 87 |
| Зокирова Ф.А. | |
| Ўрта Осиё худудига совуқ ҳавонинг шимоли-ғарбдан келиши жараёни ва астроиклим..... | 90 |
| Ибодуллаев Ш.Р. | |
| М.Ф. Шульгин тенгламасининг Лагранж ўзгарувчиларидаги ошкор ифодаси..... | 95 |
| Ибрагимова И. | |
| Защита от излучений ускорителя электронов «Электроника У 003»..... | 100 |
| Исаев Ф.И. | |
| Тикув-трикотаж корхоналарида инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш..... | 106 |
| Исмаилова Д.А. | |
| Расширение области применения двухниточного цепного стежка..... | 110 |
| Камолова Ф.К. | |
| Перспективы устойчивого развития фермерских хозяйств.... | 117 |
| Каримова Ф.З. | |
| Управление окружающей средой и стандарты ISO серии 14000..... | 121 |
| Лапасов Ж.О. | |
| Давлат кадастри ягона тизимини юритишда кадастр рақамларини шакллантириш масалалари..... | 126 |
| Мирахматов М. | |
| Мотивация персонала в СМК..... | 130 |
| Мирусманов Э.Б. | |
| Исследование технологических параметров продольно- полосатого трикотажа..... | 134 |
| Мухторов Ў. | |
| Қишлоқ ҳўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тенденциялари..... | 139 |
| Нурматов Д.Ш. | |
| Исследование одной задачи динамической системы на плоскости..... | 144 |

| | |
|---|-----|
| Пўлатова Ф. | |
| Мевалар данаги ва ёнғоқдан мағизини ажратиш қурилмаси..... | 155 |
| Пяк П.Э. | |
| Генерация высших гармоник в атомах и гомоядерных двухатомных молекулах в поле интенсивного лазерного излучения..... | 160 |
| Ражапова У.Б. | |
| Туқув усулида безак бериш асосида газламалар ассортиментини кенгайтириш..... | 166 |
| Раимбоева Н., Усарова М. | |
| Хазорасп туманида тарқалган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати ва улардан фойдаланиш..... | 172 |
| Раҳматуллаев А.Р. | |
| Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш муаммолари..... | 177 |
| Рузибаев Ж.К. | |
| Сравнение наблюдаемых и теоретических изгибов гравитирующего диска: проблемы классификации..... | 181 |
| Сафаров М. | |
| <i>Pleurotus ostreatus</i> нинг ишлаб чиқариш талабларига мос маҳаллий штаммларини ажратиш..... | 185 |
| Султанов С.Н. | |
| Разработка стенда для оценки качества масляных фильтров и фильтрующих элементов системы смазки ДВС..... | 189 |
| Сычева Е.А. | |
| Инновационный потенциал молодежи и его роль в развитии страны..... | 194 |
| Тошканова Х., Кулматов И. | |
| Тупроқда нитратли азот миқдорининг ўғитлар таъсирида ўзгариши..... | 205 |
| Туляганов О.Р. | |
| Роль и значение кредитных учреждений в развитии национальной экономики Узбекистана..... | 210 |
| Туранкулова Д. | |
| Технология и устройство для извлечения ядер из косточек плодов и орехов..... | 218 |

| | |
|---|-----|
| Тухтаева Г.А. | |
| Технология получения фосфатов натрия на основе экстракционной фосфорной кислоты из термоконцентрата Центральных Кызылкумов..... | 224 |
| Тулаева М.И. | |
| Фермер хўжаликларида танлов натижаларига кўра устав капиталини шакллантириш..... | 232 |
| Умаров З. | |
| Самарқанд вилоятида етиштирилаётган бугдой дони янги маҳаллий навларининг физик-кимёвий хоссалари..... | 237 |
| Уразбоев Н. А. | |
| Развитие инновационной деятельности в текстильной промышленности Узбекистана..... | 242 |
| Усарова М., Абдураманова С. | |
| Хоразм воҳаси сур-қўнғир тусли тупроқларининг хоссалари..... | 247 |
| Усманов И.Т. | |
| Олигомеры на основе вторичного полиэтилентерефталата..... | 251 |
| Хайтметова Н. | |
| Актуальные вопросы внедрения системы НАССР..... | 254 |
| Хакимова Д.А. | |
| К вопросу о влиянии качества ниточных соединений на прочность швов в спецодежде..... | 259 |
| Халилова Н. | |
| Аграр соҳада интеллектуал мулк ва салоҳиятдан фойдаланиш..... | 264 |
| Шоймардонов Т.Т. | |
| Ўзлаштириш мониторинги электрон тизими..... | 271 |
| Эрматов Ш.Қ. | |
| Табиий ипак толали чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнларининг таҳлили..... | 277 |
| Ҳакимов К.Ҳ. | |
| Қишлоқ жойларида иш билан бандликни таъминлаш масалалари..... | 281 |

Таҳририят ҳайъати раиси:
проф. Б. Ходиев

Таҳририят ҳайъати аъзолари:
Ў. Умурзоқов, Ў. Бегимқулов, Р. Сайфутдинов, М. Одилов,
М. Комилов, Н. Зокирова, А. Рисқулов, О. Бозоров, М. Уханова

Тузувчи ва нашр учун масъул:
Н. Халилов

Интеллектуал ёшлар — Ватанимиз келажаги

Илмий ишлар тўплами

Тошкент — «Та’лим nashriyoti» — 2012

Мухаррирлар *М.Х. Саъдуллаева, Л.К. Бабаева*
Бадий муҳаррир *Ш. Хўжаев*
Компьютерда саҳифаловчи *А. Рўзиев*

Нашриёт лицензияси АІ № 102.15.07.2008. Оригинал макетдан босишга
рухсат этилди 15.02.2012. Бичими 60x84¹/₁₆. Офсет босма усулида босилди.
Офсет қоғози. Шартли б.т. 18,0. Ҳисоб-нашр т. 18,0.
Адади 500 дона. Буюртма № 118.

«Та’лим nashriyoti» МЧЖ.
Тошкент ш., Я.Фулумов кўчаси, 74-уй.

«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмаҳонасида босилди.
Тошкент ш. Қамарнисо кўчаси 3-уй. Тел. 338-17-23.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎШЛАР – ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Ислом Каримов

Фан — қайиққа ҳам, кемага ҳам баб-баробар очиқ денгиздай гап. Бири унда олтин ёмби ташиса, бошқаси қармоқ ташлаб балиқ овлайди.

Э.Бульвер-Литтон

Фан ҳамиша кашф этилганларни билишдангина иборат эмас, кашф этиш ҳамдир.

Николай Рубакин

Билим билан ҳатто кўкка ҳам йўл топса бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Билим — ҳаракатни бошқарувчи асосий фикр, ҳаракат эса илмининг амалий манбаи. Билим — ҳаракат ибтидоси, ҳаракат — билим интиҳосидир.

Ван Шоужен

ISBN 978-9943-368-05-7



9 789943 368057